ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 18 июл,
сешанба № 119 (2168)

# ISHONCH

Ушбу сонда:
2 ВАТАН ТУЙҒУСИ
3 ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН ХАЛҚ
4 НАФИСА МЎМИНОВА - ШОҲМОТ ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБАСИ



*Янгийўл туманидаги «Ниёзбоши» элита уруғчилик хўжалиги бош пудратчиси Ортиқали Болтабоев пахтадан юқори ҳосил олиш ҳадисини олган. Бу йил ҳам у ихтиёридаги 90 гектар пахтадан 30-35 центнердан ошириб ҳосил олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Шу боис барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилмоқда.*

**Суратда: (ўртада) бош пудратчи О.Болтабоев, механизатор Ғ.Алматов ҳамда сувчи Ғ.Ҳасанбоевлар билан**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

Саҳоват ўлкаси

# САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

***Кексалар айтишадики, эрта барвақт туриб, кўча эшиги очиб қўйилса, уйга кут-барака киради. Яна айтишадики, кимнинг ҳовлисида тут бўлса, ушбу хонадон очлик кўрмайди. Яна бир гапни бот-бот такрорлашади: қайсики уйдан сигир овози эшитилиб турса, билингки, ушбу гўшада бемор бўлмагай.***

***Қишлоқ хонадонлари борки, юқоридаги икки шартга бекаму кўст риоя қилади: эшик ҳам очиқ, тут ҳам бор. Аммо сигир масаласида муаммо мавжуд. Бунга ҳамма ҳам қодир эмас. Бор — борича, йўқ — ҳолича деганларидек, беш қўл баравар эмас. Кимда — бор, кимда — йўқ.***

— Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Бугун бу сўзлар биз учун қалб даъватига, ҳаёт мазмунига айланиб қолди, — дейди республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Шамсиддин Эсонбоев. — Ночор, камхарж, кам таъминланган оилалар ҳамма жойда бор. Ҳатто энг тараққий этган мамлакатларда ҳам. Уларнинг ҳолидан бохабар бўлиб туришга масъул давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ўша жойларда ҳам фаолият юритади. Бошқача айтганда, умуминсоний қадриятлар барча юрт ва миллатлар учун хос, шаклан ва мазмунан бир-бирига жуда яқин.

Лекин қўлимизни кўксимизга қўйиб эътироф этишимиз лозимки, бундай савоб ишларнинг, умумдавлат ва умуммиллий мақом касб этганини бизнинг Ўзбекистонимиздагина кўриш мумкин. Узоққа бориб нима қилдик: мамлакатимиз раҳбарининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини олиб кўрайлик. Хусусан, унинг 4-бандида шундай дейилади: «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларга, энг аввало мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оилаларга ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камида 100-200 оилани қамраб олган ҳолда ҳомийлар, шунингдек, нодавлат хайрия ташкилотларининг маблағлари ҳисобига бир бош сигир бериш йўли билан хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин».

Бу нимани англатади? Ташаббус қуйидан бўлган, унинг кенг кўлам касб этишини ўзининг инсоний бурчи деб билган савобталаб одамларнинг хоҳиш-иродаси нафақат кўча, маҳалла, қишлоқда ўз ифодасини топиши, балки бутун мамлакат ҳудудларини қамраб олиши лозим деганидир. Бу эса, ўз навбатида унинг ижроси таъминланишини тезлаштиради.

**— Демоқчисизки, қарор ортиқча тарғибот-ташвиқот ишларисиз ҳам олдиндан белгиланган режа асосида босқичма-босқич ижро этилмоқда?**

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки у, юқорида айтиб ўтилганидек, элимизга хос саховатпешаликнинг давомийлигига ўзига хос ишора. Бундай манзарани илгари ҳам кўп кузатганмиз. Лекин аҳён-аҳёнда, сабаби кўнгил деганлари мисоли гул — қаттиқроқ шамол турса синиб, қуёш кўпроқ қиздириб юборса қуриб, ҳатто ортиқча кўлоблатиб суғоришдан озурда топиб қолиши барчамизга аён. Шундайлар борки, ўзи қийналиб қолган бўлса-да, қўни-қўшни, таниш-билишнинг кўмагини қабул қилмайди. Вақти келиб ишларингиз ўнгланиб кетса, сиз ҳам шундай ҳиммат кўчасидан ўтарсиз, деганингиздан кейингина ўйлаб қолади. Бундай халқ яна қаерда бор?!

Айтиш жоизки, саховатпешалик умумдавлат даражасига кўтарилгани боис ортиқча дабдабабозликларсиз ҳам ушбу тадбир жойларда ўз ифодасини топмоқда.

**— Қарорда бу тадбир ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камида 100-200 оилани қамраб олиши лозимлигига эътибор қаратилади. Агар республикамизда юздан зиёд қишлоқ туманлари мавжудлигини назарда тутадиган бўлсак, унинг нақадар кенг кўлам касб этганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.**

— Ҳамма гап шунда-да! Бу ушбу қарорнинг нафақат сиёсий, балки ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс эканлигидан далолатдир. Қарор ижросининг таъминланиши ҳозирда таомилга кирган ижтимоий ҳимоянинг яна бир кўриниши — маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилаётган камхарж, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларга берилаётган кўмакка муҳтожлар сонининг кескин камайишига олиб келади. Ахир уйида соғин сигири бор оила қанақасига бировнинг қўлига қарам бўлсин? Сут-қатиқ ўзидан чиқса, эрталабки нонуштада дастурхонда қаймоқ турса. Қолаверса, сутдан бир неча ўн хил овқат тайёрлаш мумкин. Рўзғордан ортганини махсус ташкил қилинган қабул пунктлари пешма-пеш олиб кетса, бу ҳам мўмай даромад дегани эмасми?!

**— Бир қушга ҳам дон, ҳам сув керак. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мол-ҳолни боқишнинг ҳам ўзи бўлмайди.**

— Қарорда масаланинг бу жиҳатлари ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Шундай қилинганки, қорамол эгалари ортиқча муаммога дуч келмайди. Ҳар бир вилоят, туманда бу масала қатъий назоратга олинган.

Нафақат бу, шунингдек, қорамолларни тўлиқ ветеринария кўригидан ўтказилиб, уларни бепул эмлаш тадбирларини ҳам амалга ошириш йўлга қўйилган. Бу ишларни тўла-тўкис бажариш мақсадида мавжуд зооветеринария ва сунъий қочириш пунктлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, зарур бўлган жойларда таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилгани ва бу масалада қатъиятлик кўрсатилаётгани диққатга сазовордир.

Амалга оширилаётган ишлар кўламини шундан ҳам билса бўладики, мен ўзим вакил қилиб тайинланган Сурхондарё вилоятида шу йилнинг охиригача аҳоли ва фермер хўжаликларининг моллари учун 8 та дон маҳсулотлари сотиш шоҳобчалари ташкил этилиши режалаштирилгани ҳолда бугунги кунга қадар 28 та шоҳобча ташкил этилиб, уларни тез кунда ишга тушириш чоралари кўрилмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2010 йилга бориб бундай шоҳобчалар сони 55 тага етади.

Шунингдек, вилоят дон маҳсулотлари корхоналари ва МТПлар бирлашмаси билан биргаликда дон экинларини ўриб-йиғиб олгандан кейин қоладиган сомонларни илгари кўп бор кўзга ташланганидек ёқиб юбормасдан йиғиштириб олиб, қорамол боқаётган оилаларга имтиёзли нархларда сотиш чора-тадбирлари ҳам белгилаб қўйилганки, ҳа деган туяга мадор деганларидек, бу ҳам умумнатижага ижобий ҳолат сифатида ўз таъсирини ўтказади, албатта.

Кези келганда, яна бир неча масала қай даражада ўз ечимини топаётганига эътиборингизни қаратишни истардим. Шу кунгача Сурхондарё вилоятининг ўзида аҳолига 1575 бош қорамол тарқатилди. Мол сотиб олиш учун 1 миллиард 226 минг сўм кредит ажратилди. Шу жумладан, тижорат банкларидан 430 миллион сўмлик имтиёзли кредит олинди.

Бу демакки, таъбир жоиз бўлса, бунёд этилажак бинонинг пойдеворидан кўнгил хотиржам бўлиши мумкин. Лекин айни вақтда иш энди бошланганлигини ҳам унутмаслик лозим. Фаолият доираси кенг, уни янада кенгайтиришимизга тўғри келади.

**— Бу тадбирларнинг амалга оширилиши, табиийки, янги-янги иш ўринлари ташкил этилишини тақозо этади. Шундай эмасми?**

— Албатта. Қанчадан-қанча иш ўринлари очилади, кўплаб мутахассисларнинг ўз соҳалари бўйича меҳнат қилиш имконияти пайдо бўлади. Бугина эмас. Қарорда яна эътиборга молик пункт борки, унинг аҳамиятини сўз билан ифодалаш қийин. Унда шундай дейилади: «Белгилансинки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладилар».

Мазкур қарорнинг моҳияти бўйича аҳоли ўртасида олиб борилган кенг тушунтириш ишлари ўз самарасини бера бошлади. Жойларда ташкил этилган учрашувлар, тегишли ташкилотлар билан ўтказилган семинарлар натижаси ўлароқ қарор ижросини таъминлаш тобора осонлашиб бормоқда.

Бугунги кунгача, хусусан, меҳнат дафтарчаси очиш истагини билдирган уй хўжаликларида сўровномалар ўтказилди. Натижада 21830 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди. Бу фақат Сурхондарё вилояти бўйича. Мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам бу иш авжида. Бу — эртанги кунга ишонч дегани. Бу, шунингдек, муаммосиз кексаликни таъминлаш деганидир.

Умр — ўткинчи. Ҳаёт — абадий. Ана шу мангуликдан биз учун ажратилган фурсатни мазмунга тўлдириб яшашга нима етсин.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**

---

## Инсонга наф келтириш — олий бахт танловига

# ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

***Чорак асрдирки, Анвар Жавлонов ҳамкасбларини ишхонасидаги ҳовлига қўйилган ўриндиқда қарши олади. Тўғри, бу одамнинг ишдан бошқа дарди йўқ эканда, дегувчилар ҳам бор. Барибир унга ҳавас қилишади. Ардоқлашади, суюшади.***

Бундан 32 йил илгари, навқирон йигитлик чоғида, эндигина институтни тамомлаб, мактабга ўқитувчи бўлиб келган пайтида уни касаба уюшма етакчиси этиб сайлашганди. Шу-шу ёш мутахассис жамоат ташкилоти жонкуярига айланди-қолди. Меҳнаткашлар манфаати йўлида не-не маломатларга кўксини қалқон қилмади. Ҳақ йўл обрўсига обрў қўшди. Ўша пайтларда Анвар мактабда бошланғич ташкилот етакчиси эди. Ҳудудидаги дала юмушларига хўжалик раҳбари мурғак гўдакларни жалб этишни одат қилиб олди. Илм даргоҳи раҳбари бу ҳолатдан эзилар, аммо раиснинг раъйига қарши чиқишга ўзида куч тополмасди. Ёш, ғайратли йигит бу ҳолга чидаб туролмади. Хўжалик раҳбарининг юзига тик боқиб, мурғак болаларга зулм қилмаслигини талаб қилди. Раҳбар эса беандиша касаба уюшма етакчисининг танобини тортиб қўймоқчи бўлди. Муайян даражада муддаосига ҳам эришди. Ҳозир бу кунларни Анвар ака тез-тез ёдга олади.

Унинг ҳаётида бундай хотиралар бисёр. Қора кунларни ёдга олишни истамаса-да, барибир хаёлида чарх ураверади. Касаба уюшма ташкилотидан катта даромад топгани йўқ. Аммо обрў-эътибор қозонди, оддий кишиларнинг меҳрига сазовор бўлди. Кўнгил тугунлари ечилар экан, бундан икки йилча олдинги ҳодисани сира унутолмайди.

Оқолтин туман халқ таълими бўлими собиқ бош ҳисобчиси муаллимларнинг нақд икки ойлик маошини чўнтагига уриб, хорижий давлатга жуфтакни ростлади. Пихини ёрган муттаҳамни қарангки, буни ҳеч кимга сездирмаган. Оқибатда ойлик маошда катта камомад юзага келди. Собиқ мудир аризасини ёзиб, ғалвадан ўзини четга олди. Нима қилиш керак? Етакчида ором, ҳаловат йўқолди. Турли ташкилотларга мурожаат қилиб, ёрдам сўради. Бутун умидини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига боғлади. Унинг қатъияти, ҳуқуқ-тартибот идораларининг саъй-ҳаракати билан жамоа мулкига кўз олайтирган собиқ бош ҳисобчи топиб келтирилиб, тегишли жазога тортилди. Муаллимларнинг ҳақи ундирилди.

— Гапнинг очиғи, ўша кезлари игна устида юргандек бўлдим, — дейди Анвар ака. — Ахир муаллимлар орасида кам таъминланган оилалар, ойликка қараб қолганлар бор. Уларни ташлаб қўймадик. Ҳар бирига тегишли ёрдам кўрсатдик.

Ҳозирги кунда касабақўм фермерлар билан яқин алоқа боғлашга, улар ёрдамида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда; Мактаблар фондига қўшимча маблағ тушириш ташаббускорларидан бирига айланган. Халқ таълими бўлими ҳамда касаба уюшма ташкилотининг елиб-югуриши боис биргина ўтган йили туман мактабларига 15 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Моддий кўмак кўрсатишда "Маъмир" фермер хўжалиги алоҳида эътироф этилди. Хўжалик раҳбари Маъмур Жуновнинг айтишича, Анвар ака фермерлар кўнглига йўл топа билади. Шу боис мулкдорлар уни ҳурмат қилади. Шунинг учун мазкур хўжалик ҳар йили ҳудуддаги таълим даргоҳига ўз даромадидан бир миллион сўмдан зиёд маблағ ажратади. Бошқа ташкилотлар ҳам мактаблар моддий базасини яхшилашга улуш қўшиб келмоқда. Туман молия бўлими, ҳудудий газ бошқармалари илм масканларини таъмирлашга 300 минг сўм сарфлаган бўлса, машина-трактор парки 3-мактаб биноси томини янгидан ёпди. Туман ички ишлар бўлими 9-мактаб атрофини ободонлаштириб, спорт залини жиҳозлади.

Оқолтинликларда ўзига хос мардлик, тантилик бор. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳам улар қатор хайрли ишларга қўл уришди. Кам таъминланган хонадонларга бир бошдан сигир тақсимлашни ташкил этишга бағишланган йиғилишда Анвар ака: «боғчаларга ҳам бир бошдан сигир берилса», деган таклифни ўртага ташлади. Ташаббус жиловини қўлга олган туман ҳокими бу масалага жиддий киришди. Натижада ҳар бир боғча бир бошдан соғин сигирли бўлди. Уни боқишда ҳам муаммо йўқ. Фермерлар, ҳудуддаги кичик ёғ ишлаб чиқариш корхонаси уларни ем-ҳашак, кунжара, шелуха билан таъминлайди.

Касаба уюшма етакчиси таълим ходимлари мушкулини енгил қилишнинг турли йўлларини излашдан эринмайди. Иссиқ жон, деганларидек, кўп ҳолларда айрим қўли калта кишиларнинг дори-дармонга эҳтиёжи сезилади. Шундай пайтда улар ҳеч иккиланмай касаба уюшма ташкилотига мурожаат этишга одатланишган. Касабақўмнинг тўрт энлик хати асосида "Саховат" хусусий дорихонасидан дори-дармон олиш мумкин. Дорихона мудири Розия Турсунова мард тадбиркорлардан. У соҳа ходимларини ўз ҳисобидан дори-дармон билан таъминлайди. Тўғри, касаба уюшма ташкилоти ҳам қараб турмаяпти. Ёрдамга муҳтож аъзоларга 215 минг сўмлик бепул дори-дармон олиб берди.

Ана шу меҳнат, заҳмат боис Анвар Жавлонов кўп йиллардан буён эл ардоғида. Одамлар ишончи уни касаба уюшма ташкилотига маҳкам боғлаб олган. Жамоатчи ташкилотчи, халқ таълими аълочиси унвонига эришган. Ҳукуматимиз унинг меҳнатини муносиб баҳолади. "Шуҳрат" медали соҳиби бўлди. Рафиқаси Яхшигул опа билан 7 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Фарзандларнинг барчаси ота изидан бориб, таълим соҳаси этагини тутишди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

---

*Ахборот*

### ҚАРЗДОРЛИК КАМАЙМОҚДА

Кейинги йилларда Тошкент шаҳар ҳокимияти ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида қабул қилинган келишувга асосан иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаяпти. Шу жумладан, шаҳар ҳамда туман комиссиялари билан ҳамкорликда иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйган ташкилот ҳамда корхоналар аҳволи кўриб чиқилмоқда. Бу борада камчиликка йўл қўйган 444 нафар корхона раҳбарларига 6 ярим миллион сўмдан зиёд жарима солинди. 1134 та корхона иши прокуратура органларига оширилди. 9 нафар корхона раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Олиб борилаётган ишлар натижасида иш ҳақидан қарздорлик сезиларли даражада камаймоқда.

### ТАЛАБАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ

Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод ҳамда Янгийўл шаҳарларидаги ва республика электротехника тиббиёт коллежларида таҳсил олаётган аълочи, жамоатчи ҳамда кам таъминланган 70 нафар талаба «Бўстон» сиҳатгоҳида бепул соғломлаштирилди.

Уларга спорт кийимлари тарқатилди. Дам олиш давомида ёшлар маданий ва спорт тадбирларида иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз**

---

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ мустақилликнинг ўн бешинчи йилида



*Шаҳрисабз туманидаги «Дон халқ ризқи» очиқ ҳиссадорлик жамияти қошида полиэтилендан ун қоплари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги корхона учун яна бир имконият бўлди.*

**Суратда: корхона цехида**

**Ш.СУЛТОНОВ олган сурат**

***Ер ости ва ер усти бойликлари заҳиралари билан мамлакатда етакчи ўринни эгаллаган Қашқадарёда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, ишсизликни қисқартириш мақсадида хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилаяпти.***

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик даврида вилоятимиз ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланди. Қисқа муддатда Марказий Осиёда ягона «Шўртангазкимё» мажмуаси, Таллимаржон иссиқлик электр станциясининг 800 минг миговаттли биринчи блоки, Кўкдумалоқ ва Шўртангазкомпрессор станциялари, ўндан ортиқ нефт, газ, конденсат конлари ишга туширилди. Аср қурилиши ҳисобланган умумий узунлиги 223 километрли Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрғон темир йўлининг воҳамиз ҳудудидан ўтган 85 километрли қисмида қурилиш ниҳоясига етказилди. 200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам республика марказининг Қарши филиали, кардиология ва урология марказлари фойдаланишга топширилди.

2-3 бетлар

